

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.26.04.2018.Tib.64.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ТУРАҚУЛОВ РУСТАМ ИСМАТУЛЛАЕВИЧ**

**СУРУНКАЛИ ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ КАМҚОНЛИК БИЛАН  
КЕЧГАНДА КЛИНИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ДАВОЛАШНИ  
МУВОФИҚЛАШТИРИШ**

**14.00.06 – Кардиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ -2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy(PhD)**

**Туракулов Рустам Исматуллаевич**

Сурункали юрак етишмовчилиги камқонликбилан кечганда  
клиник хусусиятлари ва даволашни мувофиқлаштириш..... 3

**Туракулов Рустам Исматуллаевич**

Особенности течения хронической сердечной недостаточности  
с анемии и оптимизации лечения..... 23

**Turakulov Rustam Ismatullayevich**

Features of chronic heart failure currents flowing with  
anemia and ways optimization of treatment..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 47

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.26.04.2018.Tib.64.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ТУРАҚУЛОВ РУСТАМ ИСМАТУЛЛАЕВИЧ**

**СУРУНКАЛИ ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ КАМҚОНЛИК БИЛАН  
КЕЧГАНДА КЛИНИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ДАВОЛАШНИ  
МУВОФИҚЛАШТИРИШ**

**14.00.06 – Кардиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ -2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Tib470 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.cardiocenter.uz](http://www.cardiocenter.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Гадаев Абдиғаффар Гадаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Абдуллаев Темур Атаназарович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Юлдашев Носир Мухамеджанович**  
биология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.26.04.2018.Tib.64.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052, Тошкент, Мирзо-Улугбек тумани, Осиё кўчаси, 4 уй. Тел./Факс: (+99871) 237 31 57, e-mail: [info@cardiocenter.uz](mailto:info@cardiocenter.uz)).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100052, Тошкент, Мирзо-Улугбек тумани, Осиё кўчаси, 4 уй. Тел/факс: (+99871) 237 31 57.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Р.Д.Курбанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

**Г.А.Хамидуллаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.Б.Шек**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Сўнги йилларда сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ)га чалинган беморлар ҳаёт сифати ва унинг давомийлигига салбий таъсир кўрсатувчи ҳамда унинг кечишини оғирлаштирувчи омиллар орасида камқонлик етакчи ўрин тутишига алоҳида эътибор берилмоқда. «Ривожланган мамлакатларда СЮЕга чалинган беморларнинг 10-55% да камқонлик хасталиги учраб, ушбу кўрсаткич касалликнинг функционал синфлари (ФС) ошиб боришига ҳамоҳанг равишда кўпайиб боради ва юрак етишмовчилигининг IV ФС да 80% га яқинини ташкил этади»<sup>1</sup>. Айни пайтда у асосий касалликни кечиши, оқибати ҳамда натижасига салбий таъсир қилувчи мустақил хавф омилли деб қаралмоқда. СЮЕ мавжуд беморларда камқонликнинг ривожланиш патогенези ва кечиши ҳақида турлича қарашлар мавжуд бўлиб, бу муаммони чуқур ўрганиш зарурлигини тақозо этади. СЮЕда камқонлик кузатилганда унинг ўзига хос кечиши, ўлим кўрсаткичини эса камқонлиги бўлмаган беморларга нисбатан икки баробар кўплиги, ушбу патологик жараёнда уни эрта ташхислаш, самарали даволаш ҳамда олдини олиш зарурлиги тиббиётнинг долзарб муаммоси ҳисобланади.

Жаҳон миқёсида СЮЕда камқонликни ривожланиш механизмларини ўрганиш ва унда даволашни мувофиқлаштиришни юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада СЮЕга чалинган беморларда кузатиладиган камқонлик сабаблари ва патогенезини тўлақонли ўрганиш, организмда темир алмашинувининг бузилиши, нейрогуморал тизим, шу жумладан, яллиғланиш олди цитокинларининг фаоллашуви оқибатида юзага келган сурункали касалликлар камқонлигини эрта аниқлаш ва самарали даволаш усулларини ишлаб чиқиш тиббиётнинг муҳим муаммоларидан биридир. Шунингдек, яллиғланиш маркерлари билан трансферрин, ферритин ва гепсидинларни ўзаро боғлиқлигини аниқлаш, ушбу омилларни касаллик патогенезида муҳим ўрин тутишини асослаш; патологик жараёнга самарали таъсир қилиш йўллари ва монанд даволаш усулларининг рационал асосларини ишлаб чиқиш; беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни такомиллаштириш мазкур муаммога оид илмий тадқиқотларнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш, жумладан, юрак қон-томир касалликлари кечишида коморбид ҳолатларни эрта аниқлаш, мувофиқлаштирилган даволаш ва асоратларни камайтириш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «аҳоли касалланиш кўрсаткичлари пасайишини ва ҳаётининг давомийлиги узайишини таъминлаш,

<sup>1</sup>Silverberg DS. J Am Coll Cardiol 2000. – Том 35, №7. – P.1737-44.

аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббиёт муассасаларининг моддий техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилишчи тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, оила саломатлигини мустаҳкамлаш»<sup>2</sup> вазифаси белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда ҳозирги кунда СЮЕда камқонлик ривожланишида темир гомеостазини бошқарувчи гепсидинни ва унинг яллиғланиш медиаторлари билан ўзаро таъсир механизмларини аниқлаш ҳамда патогенетик омиллар фаоллигини пасайтиришга қаратилган самарали даво усуллари ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ 4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ва 2017 йил 12 июндаги ПҚ–3052-сон «Соғлиқни сақлаш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-307-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунёнинг турли мамлакатларида ўтказилган кўп сонли тадқиқотлар ва чоп этилган адабиётлардан маълумки, СЮЕни ташхислаш ҳамда даволашда эришилган ютуқларга қарамадан, касалликни авж олиб бориши ва нохуш асоратлари ривожланишига сабаб бўлувчи омиллар, жумладан, камқонликни аниқлаш ва шу асосда мувофиқлаштирилган даволашни тўғри танлаш, ушбу беморларнинг умрини узайтиришга қаратилган ёндашувлар тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда (Мареев В. Ю. et al. 2013). Ҳозирги кунда СЮЕда темир танқислиги камқонлиги (ТТК) ва функционал темир танқислиги яъни сурункали касалликлар камқонлиги (СКК) патофизиологияси, ҳар иккала типдаги камқонликни СЮЕга таъсирини ўрганиш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда ва бу чет эл адабиётларида кенг ёритилмоқда (Van der Putten K. et al. 2010, Martnez-Ruiz A et al. 2012, Соломахина Н.И., 2014). Ўтказилган тадқиқотларда қон зардобидаги темир миқдорини бошқарувчи ўткир фаза оксил – гепсидин СКК ривожланишида темир гомеостази бузилиши ва иммун тизимидаги муҳим жараёнларда фаол иштирок этиб, уни организмда

---

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони.

темир алмашинувини мувозанатловчи, ҳар хил соҳаларда, жумладан, энтероцит ва макрофагларда темир транспортини блокловчи биологик маркер ва дори воситаларини таъсири учун «терапевтик нишон» сифатида амалиётда фойдаланиш мумкинлиги тавсия этилган (Ganz T. et al. 2004). Хаммуаллифлар фикрича (Swinkels D. et al. 2008) гепсидин миқдорини ошиши билан бир вақтнинг ўзида макрофаглардан темир экспорти пасаяди ва у эритропоэз жараёнида қатнашиш имкониятини йўқотади. Натижада, организмда гипоксик жараён кучайиб, СЮЕнинг авж олиши ва нохуш асоратлар ривожланиши хавфи ошади.

Тадқиқотларда исботланишича, альфа – ўсма некроз омили ( $\alpha$ -ЎНО), интерлейкин (IL) - 1, - 6 кардиомиоцитлар апоптозини ҳамда гепсидин экскрециясини кучайтириб, эритропоэтин концентрациясини камайтиради ҳамда эритропоэз авлоди хужайраларини унга нисбатан сезувчанлигини оширади, бу эса эритропоэтинга нисбатан нисбий резистентлик келиб чиқишига сабаб бўлади (Nemeth E. et al. 2004).

СЮЕ камқонлик билан кечган беморларни даволашда темир препаратларини вена ичига қўлланилиши бўйича ўтказилган йирик рандомизирланган тадқиқотлар хулосасига кўра буюрилган даво негизида беморларнинг ҳаёт сифати, ўз-ўзини соғлиғини баҳолаш ва б–дақиқали юриш синамаси кўрсаткичлари ишонарли даражада яхшиланган. Ушбу тадқиқотларда фақат мутлоқ темир танқислиги мавжуд беморлар кузатувга олиниб, тавсиялар эса гемоглобин даражасини камайган барча беморлар учун ишлаб чиқилган. (Anker SD. Et al. 2009).

Республикамизда эса дилатацион кардиомиопатия негизида ривожланган СЮЕга чалинган беморларда темир препаратлари ва уни эритропоэтин билан биргаликда қўлланилганда яхши самара бериши кўрсатилган (Т.А.Абдуллаев ва б., 2018).

Бироқ, СЮЕ сурункали касалликлар камқонлиги билан кечганда касалликни кечишига ҳамда авж олиб бориши ва нохуш асоратлар юзага келишида муҳим ўрин тутган гепсидин таъсири ўрганилмаган.

Ўтказилган илмий тадқиқотлар ва мавжуд адабиётлар таҳлилига кўра, Республикамизда СЮЕ мавжуд беморларда камқонликни нейрогуморал омиллар ва темир гомеостазини бошқарувчи оксил гепсидинни ўзаро хамжихатликдаги таъсирини таҳлил қилиш, унинг камқонлик типларида муқобиллаштирилган даво усулларини ишлаб чиқилишига қаратилган кенг миқёсдаги тадқиқотларни ўтказиш зарурияти етилиб келганлиги тўғрисида хулоса қилиш мумкин. Бу эса ўз навбатида, муаммо устида тадқиқотларни давом эттириш зарурлигини кўрсатади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий - тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01.1500214-сон «Ички касалликлар ташхисоти,

профилактикаси ва даволашни такомиллаштиришнинг янги усулларини ишлаб чиқиш « (2015-2017 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** сурункали юрак етишмовчилиги камқонлик билан кечганда клиник хусусиятлари ҳамда даволаш самарадорлигини оширишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

сурункали юрак етишмовчилиги камқонлик билан кечган беморларда қон зардобдаги темир, трансферрин, ферритин ва гепсидиннинг миқдорий кўрсаткичларини аниқлаш;

сурункали юрак етишмовчилиги камқонлик билан кечганда яллиғланиш маркерлари ва гепсидин кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таҳлил қилиш;

сурункали юрак етишмовчилигининг II ва III функционал синфларида камқонлик ва камқонликсиз кечган беморларда юрак ичи гемодинамикаси ва яллиғланиш маркерлари кўрсаткичларини қиёсий баҳолаш;

СЮЕ камқонлик билан кечган беморларни даволашда муқобил темир препаратини қўлланилиш самарадорлигини баҳолаш;

СЮЕни даволашда темир III гидроксид сахароза комплексини стандарт даво билан биргаликда қўлланилишини беморларнинг клиник ҳолати, ҳаёт сифати ва жисмоний юкламаларга чидамлилигига таъсирини таққослама баҳолаш;

СЮЕ камқонлик билан кечганда унинг муқобиллаштирилган давосига оид тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида юрак ишемик касаллиги негизда ривожланган СЮЕнинг II ҳамда III функционал синфидаги 75 нафар камқонлик билан кечган беморлар ва 40 нафар СЮЕ камқонликсиз кечган беморлар олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида беморлар веноз қони ва унинг зардоби иммунологик ва биокимёвий таҳлиллар учун олинди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Умумклиник, клиник-асбобий, биокимёвий, иммунологик ва статистик усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

СЮЕ сурункали касалликлар камқонлиги билан бирга кузатилганда, организмда темир гомеостазини бошқарувчи оксил гепсидин кўрсаткични ошиши ва темир танқислиги камқонлигида унинг миқдори меъёрда эканлиги исботланган;

гепсидинни нейрогуморал омиллар - интерлейкин-1, интерлейкин-6,  $\alpha$ -ўсма некроз омили билан ўзаро корреляцион боғлиқлиги СЮЕнинг оғирлик даражасига хамоҳанг юқори бўлиши ва уларни темир препаратларига резистентлик кузатилиши асосланган;

СЮЕ темир танқислиги камқонлиги билан кечган беморларни даволашда стандарт даво негизда темир III гидроксид сахароза препаратини (венофер)



вена ичига тез тўйинтириш дозада қўллаш интерлейкин-1, интерлейкин-6,  $\alpha$ -ўсма некроз омили миқдорларини ишончли пасайтирган;

СЮЕ негизда ривожланган сурункали касалликлар камқонлигида қон зардобидаги яллиғланиш олди цитокинлари миқдори касалликнинг функционал синфлари ошиб боришига монанд юқори бўлиши, касалликнинг авж олиб боришида ушбу кўрсаткичлар билан гепсидинни ўзаро ҳамжихатликдаги таъсири аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

СЮЕ темир танқислиги ва сурункали касалликлар камқонлиги билан кечганда беморларда уларни тасдиқловчи кўрсаткичлар ва яллиғланиш цитокинларини аниқлаб борилиши асоратларни олдини олишда ҳамда патогенетик даво буюрилишида алоҳида аҳамият касб этиши исботланган;

сурункали касалликлар камқонлиги билан кечган СЮЕ мавжуд беморларда гепсидин кўрсаткичини юқорилиги темир препаратларини самарадорлигига тўсиқ бўлувчи маркер эканлиги аниқланган;

темир танқислиги камқонлиги билан кечган СЮЕ мавжуд беморларда темир препарати тез тўйинтириш дозада қўлланилганда лаборатор, гемодинамик кўрсаткичларни, ҳаёт сифати ва клиник ҳолатни ишонарли яхшиланганлиги исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлари билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки сурункали юрак етишмовчилиги камқонлик билан кечганда қон зардобидаги темир, ферритин, трансферрин, гепсидин, нейрогуморал омиллар, жумладан, ИЛ-1, ИЛ-6,  $\alpha$ -ўНОни аниқланиши касалликнинг кечиши ва авж олиб боришида муҳим ўрин тутган камқонлик типлари тўғрисида бошқа инвазив бўлмаган усуллардан кўра аниқ маълумот бериши исботланган ҳамда уларни динамикада аниқлаб бориш буюрилган патогенетик даво самарасини баҳолаш имкониятини яратган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки олинган натижалар асосида шаклланган тавсияларни амалиётга тадбиқ этилиши СЮЕда камқонликни самарали бартараф этиш, унинг авж олишини секинлаштириш ва касаллик оқибатида юзага келиши мумкин бўлган нохуш асоратларни олдини олиш ҳамда даволашни муқобиллаштиришга олиб келиши билан ифодаланган. Бу натижалардан фойдаланиб, шифохонага қайта ётиш ва содир бўлиши мумкин бўлган ўлим ҳолатларини олдини олиш, шунингдек, беморларнинг клиник ҳолати, ҳаёт сифати ва жисмоний юкламаларга чидамлилигини ошишига, ҳаёт давомийлигини ўзайишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Сурункали юрак етишмовчилиги камқонлик билан кечганда касалликнинг клиник хусусиятлари ва даволашни мувофиқлаштириш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

«Сурункали юрак етишмовчилигига камқонликни таъсири ва даволашни мувофиқлаштириш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 2 майдаги 8н-р/105-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома СЮЕ негизида ривожланган камқонликни стандарт даво чоралари билан бир қаторда темир (III) гидроксидсахароза ёрдамида комплекс даволаш имконини берган;

«Сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморларда сурункали касалликлар камқонлиги билан кечиш хусусиятлари» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 2 майдаги 8н-р/106-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома СЮЕ камқонлик билан кечганда унинг маркерларини аниқлаш, темир танқислиги ва сурункали касалликлар камқонликларини бир-биридан фарқлаш ва беморларни дифференциал даволашга хизмат қилган;

СЮЕ камқонлик билан кечган беморларни клиник хусусиятлари ва даволашни мувофиқлаштириш бўйича олинган тадқиқот натижалари Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникаси кардиология ва кардиореабилитация бўлимларида, 2–сон Республика клиник шифохонасида соғлиқни сақлаш амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 4 майдаги 8н-д/91 сон маълумотномаси). Тадбиқ қилинган натижалар касаллик кечиши эҳтимоллигини аниқлаш, беморларни шифохонада даволаниш кунларини қисқаришига ва уларнинг ҳаёт сифатини яхшиланишига имкон яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 112 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари шакллантирилган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Сурункали юрак етишмовчилигида камқонликни ривожланишига замонавий қарашлар»** деб номланган биринчи бобида адабиётларни таҳлилий манзараси келтирилган, унда СЮЕда камқонлик ривожланиши ва кечишининг энг муҳим патогенетик бўғинлари, асосий текшириш ва даволаш тадбирлари, жумладан, беморларда нейрогуморал омилларнинг фаоллашиши натижасида сурункали касалликлар камқонлигини ривожланиши, мутлоқ ва нисбий темир танқислик камқонлигида организмда темир алмашинувини бошқарувчи оксил гепсидинни аҳамияти аҳамияти бўйича замонавий қарашлар таҳлили ўтказилган. Бу бобда адабиётлар маълумоти умумлаштирилган ва муаммонинг долзарблиги асосланган.

Диссертациянинг **«Беморларнинг клиник тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида объект, предметлар ва тадқиқот усуллари ҳамда қўлланилган статистик усуллар келтирилган.

Тадқиқотга 75 нафар СЮЕ камқонлик билан ва 40 нафар СЮЕ камқонликсиз кечган беморлар жалб қилинди. СЮЕ ташхиси уларнинг шикоятлари, анамнези, объектив кўрик ва лаборатор-асбобий текширувлар асосида Стражеско-Василенко таснифи ҳамда унинг функционал синф (ФС) лари Нью-Йорк кардиологлар уюшмаси (New-York Heart Association, 1964) мезонлари ва олти дақиқалик юриш синамаси ёрдамида аниқланди.

Асосий гуруҳ беморлар клиник-лаборатор текширув натижаларига кўра 2 гуруҳга бўлинган бўлиб, А - гуруҳни 40 нафар (14 нафар – СЮЕ II ФС, 26 нафар – СЮЕ III ФС, ўртача  $64,8 \pm 1,3$  ёш, 15 эркак ва 25 аёл), СЮЕ темир танқислик камқонлиги мавжуд, Б - гуруҳни 35 нафар (10 нафар – СЮЕ II ФС, 25 нафар – СЮЕ III ФС, ўртача  $65,4 \pm 1,48$  ёш, 14 эркак ва 21 аёл), СЮЕ сурункали касалликлар камқонлиги билан ва назорат гуруҳини 40 нафар (16 нафар – СЮЕ II ФС, 24 нафар – СЮЕ III ФС, ўртача  $63,4 \pm 1,13$  ёш, 22 эркак ва 18 аёл) СЮЕ камқонликсиз кечган беморлар ташкил этди. Барча гуруҳдаги беморларда СЮЕ ривожланишига юрак ишемик ва унга хамроҳ гипертензия касалликлари сабаб бўлган.

Тадқиқотга жалб этилган асосий гуруҳ беморларига шифохонада даволаниш жараёнида Европа кардиологлар уюшмаси тавсия этган стандарт даво негизида антианемик муолажа сифатида темир III гидроксид сахароза комплекси (венофер) препарати 200 мг дан вена ичига юборилди. Темир

танқислигини бартараф этиш учун юборилаётган жами дори воситаси дозаси, венофер давоси учун қабул қилинган махсус формула [умумий темир танқислиги = тана вазни оғирлиги, кг х (150-бемор гемоглобини кўрсатгичи Нб, г/л) х 0,24 + 500мг] ёрдамида ҳисобланди. Назорат гуруҳидаги беморларга умум қабул қилинган СЮЕнинг стандарт давоси буюрилди.

Кузатувдаги барча беморларда даволаш бошланишидан олдин ва 6 ойдан сўнг умум клиник, биокимёвий ва иммунфермент таҳлиллар – қон зардобидаги темир, ферритин, трансферрин, гепсидин, ИЛ-1, ИЛ-6,  $\alpha$ -ЎНО ва асбобий текширувлар - ЭКГ, эхокардиография (ЭхоКГ) ўтказилиб, уларнинг клиник ҳолати (Мареев В.Ю. модификацияси, 2000), ҳаёт сифати (Миннесот сўровномаси, Т. Rector, J. Cohn, 1985), жисмоний юкламаларга чидамлилиги (олти дақиқалик юриш синамаси) баҳоланди.

Иммунфермент таҳлилларнинг барчаси Республика Иммунология илмий маркази иммунопатология лабораториясида ўтказилди.

Қон зардобидаги гепсидин «BCM diagnostics» № S -1337 (Канада) реагенти, ферритин «ORGENTEG» № 416-6005 (Австрия) реагентларидан, трансферрин «AssayMax Human Transferrin ELISA» (Австрия) реагентларидан фойдаланган ҳолатда иммунофермент таҳлили ёрдамида аниқланди. Қон зардобидаги яллиғланиш олди цитокинлари: ИЛ-1, ИЛ-6 ва  $\alpha$ -ЎНО нинг микдорий кўрсаткичлари «eBioscience (Bender Med Systems)» реагентларидан фойдаланилган ҳолда қаттиқ фазали иммунофермент текшируви ёрдамида аниқланган.

ЭхоКГ текшируви трансторакал услубида Toshiba SSH-YO(60)А ускунасида (Япония), 3,5 Мгц ли датчикда амалга оширилди. Текширувда юракнинг структур тузилиши аниқ намоён бўлишини таъминлаш мақсадида беморнинг турли ҳолатида, М ва В импульс тўлқинли доплерография Америка эхокардиография уюшмаси (ASE, 2015) тавсияларига мувофиқ ўтказилди. Текширишда қуйидаги кўрсаткичлар аниқланди: чап қоринчанинг (ЧҚ) сўнгги диастолик ва сўнгги систолик ўлчови (СДЎ ва ССЎ), сўнгги диастолик ва сўнгги систолик ҳажми (СДҲ ва ССҲ), ЧҚ орқа девори қалинлиги (ЧҚОДҚ) ва қоринчалараро тўсиқ қалинлиги (ҚАТҚ), чап бўлмача ўлчови, Simpson усули ёрдамида ЧҚ қон отиш фракцияси (ҚОФ), зарб ҳажми (ЗХ) - ССҲ ва СДҲ орасидаги фарқ, R.V.Devereux формуласи ёрдамида ЧҚ миокарди вазни (ЧҚМВ) ҳисоблаб чиқилди:  $ЧҚМВ=0,8 (1,04 (СДЎ + ЧҚОДҚ + ҚАТҚ)^3 - СДЎ^3) + 0,6$  г. Чап қоринча миокарди вазни индекси (ЧҚМВИ) – ЧҚМВнинг тана сатҳига нисбати асосида ҳисобланди:  $ЧҚМВИ=ЧҚМВ / \text{Стана, г/м}^2$ . ЧҚМВИ кўрсаткичи эркакларда  $\geq 134$  г/м<sup>2</sup> ва аёлларда  $\geq 110$  г/м<sup>2</sup> бўлганида ЧҚ гипертрофияси мавжуд деб баҳоланилди. ЧҚ миокардининг ремоделланиши унинг девори нисбий қалинлиги (ЧҚДНҚ) асосида аниқланди.  $ЧҚДНҚ = ҚАТҚ + ЧҚОДҚ / СДЎ$ .

Миокард тузилмавий геометрик ремоделланиши (А. Ganau. et al. 1992) қуйидагича фарқланди: ЧҚ меъёрий геометрияси  $ЧҚМВИ=N$ ,  $ЧҚДНҚ<0,42$ ;


концентрик гипертрофия ЧҚМВИ>N, ЧҚДНҚ>0,42; концентрик ремоделланиш ЧҚМВИ =N, ЧҚДНҚ >0,42; экцентрик гипертрофия ЧҚМВИ >N, ЧҚДНҚ <0,42.

ЧҚ диастолик дисфункцияси доплер эхокардиография текшируви ёрдамида ўпка веналари орқали ТМДО кўрсаткичларини аниқлаш орқали ташхисланди. ТМҚОни баҳолашда ЧҚни эрта (E) ва сўнгги диастолик тўлиши (A), уларнинг нисбати (E/A), ЧҚнинг изовольюмик бўшашиши (IVRT), ЧҚнинг эрта диастолик тўлишининг секинлашиш вақти (DT) аниқланган.


ЧҚ диастолик дисфункцияси 3 типда баҳоланди: I тип – ЧҚ бўшашини секинлашиши, II тип – псевдонормаллашиш ва III тип - рестриктив. Бунда I тип -  $E/A \leq 1$ ,  $IVRT > 110$  мс ва  $DT > 240$  мс; III тип -  $E/A > 1,6$ ,  $IVRT < 70$  мс ва  $DT < 150$  мс (Nagueh SF. et al. 2009).

Тадқиқотда олинган маълумотларга статистик ишлов беришда MS Excel (2010) пакетли компьютер дастуридан фойдаланилди. Барча жадвалларда келтирилган кўрсаткичларнинг ўртача арифметик ва стандарт оғишлари ( $M \pm m$ ) ҳисобланилди. Гуруҳлар ўртасидаги тафовутлар ишончлилиги Студент мезонларини тоқ ва жуфт фарқларини қўллаш орқали аниқланди. Корреляцион таҳлил Пирсон корреляцион коэффицентини қўллаш ва унинг аҳамиятини ишончлилик жадваллари асосида аниқлаш орқали ўтказилди.


Диссертациянинг «**Сурункали юрак етишмовчилиги камқонлик билан кечганда клиник хусусиятлари ва унинг коррекция усуллари**» деб номланган учинчи бобида СЮЕ камқонлик ва камқонликсиз кечганда лаборатор кўрсаткичларни солиштирма таҳлили, ИЛ-1, ИЛ-6,  $\alpha$ -ЎНО билан ўзаро боғлиқлиги, уларни юрак ремоделланиши, марказий гемодинамика ва беморларнинг клиник ҳолати, ҳаёт сифати ҳамда жисмоний юкламаларга чидамлилигига таъсири аниқланиб, олти ой давомида даволаш негизида ушбу кўрсаткичлар динамикаси баҳоланди. Ўтказилган тадқиқотга кўра, СЮЕ мавжуд беморларда камқонлик сабабини аниқлаш мақсадида зардобдаги темир, ферритин, трансферрин ҳамда гепсидин миқдори ўрганилди. Қон зардобда темир ва ферритин миқдорини меъёрий кўрсаткичлардан камайган, трансферрин миқдорини эса ошганлари СЮЕ темир танқислиги камқонлиги билан кечган А гуруҳини ташкил этди. Зардобда темир миқдори меъёрдан камайганлиги, трансферрин миқдори ошганлиги, ферритин миқдори меъёрий кўрсаткичларда сақланганлиги қайд этилган беморлар эса СЮЕ сурункали касалликлар камқонлиги яъни функционал темир танқислиги мавжуд Б гуруҳга бириктирилди. Организмда темир гомеостазини бошқарувчи оксил - гепсидин миқдори текширилганда асосий А гуруҳ ва назорат гуруҳи беморларида гепсидин миқдори меъёрий кўрсаткичлардан ошмаганлиги, Б гуруҳ беморларда қолган икки гуруҳ нисбатан миқдори ишонарли юқорилиги қайд этилди (1-, 2- расмлар).



**1-расм.** Даволашдан олдин СЮЕ камқонлик билан кечган гуруҳда гемоглобин (г/л), ферритин (нг/мл) кўрсаткичини давогача ва ундан кейинги ўзгариши.



**2-расм.** Даволашдан олдин СЮЕ камқонлик билан кечган гуруҳда зардобдаги темир (ммоль/л), трансферрин (г/л) кўрсаткичини давогача ва ундан кейинги ўзгариши



**3-расм.** Даволашдан олдин ва динамикада 6 ойдан сўнг СЮЕ камқонлик билан кечганда қон зардобдаги гепсидин кўрсаткичи динамикаси

Ўтказилган олти ойлик даво чораларидан сўнг А гуруҳдаги беморлар гематологик кўрсаткичларининг бошланғич даврдагига нисбатан сезиларли ўзгариши кузатилди: гемоглобин ўртача миқдори 101,4±3,1 г/л. дан 126,6±4,7 г/л. га (P<0,001), Б гуруҳда бу кўрсаткич ўртача миқдори 104,3±4,8 г/л. дан 120,1±3,9 г/л. гача (P<0,05) ошганлиги аниқланган.

Шунингдек, А гуруҳдаги беморлар қон зардобидаги темир миқдори 7,94±0,21 ммоль/л. дан 22,9±2,8 ммоль/л. га, ферритин миқдори 85,9±8,5 мкг/л. дан 318,4±5,46 мкг/л. га (P<0,001), трансферрин эса 5,2±1,21 г/л. дан 3,1±0,14 г/л. га (P<0,05) ўзгарганлиги аниқланди. Гепсидин миқдори ушбу гуруҳда 10,6±1,3 нг/мл. дан 7,2±0,05 нг/мл. га (P> 0,05) ўзгарган.

Шунингдек, Б гуруҳни ташкил этган беморлар қон зардобидаги темир миқдори 6,14±1,12 ммоль/л. дан 16,1±2,12 ммоль/л. га, ферритин миқдори 167,5±8,54 мкг/л. дан 269,6±8,5 мкг/л. га (P<0,05), трансферрин эса 6,9±2,28 г/л. дан 4,4±0,3 г/л. га (P>0,05) ўзгарганлиги аниқланди. Тадқиқотимизда ушбу гуруҳ беморлар қон зардобида гепсидин миқдори динамикада 23,3±3,5 нг/мл. дан 19,2±0,06 нг/мл. га (P>0,05) ўзгарган.

Назорат гуруҳини ташкил этган СЮЕ камқонликсиз кечган беморларда эса қон зардобидаги темир, ферритин, трансферрин сатурацияси трансферрин ҳамда гепсидин миқдори динамикада меёрий кўрсаткичларни ташкил этди (№1 жадвал).

#### 1-жадвал

### Сурункали юрак етишмовчилиги камқонлик билан ва камқонликсиз кечган беморларни даволашдан олдин ва даволашнинг олти ойдан кейинги гематологик ўзгаришлар динамикаси

Кўрсаткичлар	Даволаш даврлари	Асосий гуруҳ		P	Назорат гуруҳи
		А гуруҳ	Б гуруҳ		Камқонликсиз
Гемоглобин, г/л	Олдин	101,4±3,1***	104,3±4,8***	>0,05	126,0±6,5
	Кейин	126,6±4,7^^^	120,1±3,9^^	<0,05	126,4±5,2
Эритроцитлар, ·10 <sup>12</sup> л	Олдин	3,6±0,04***	3,7±0,02**	>0,05	4,3±0,04
	Кейин	4,1±0,02^^	4,0±0,01^	>0,05	4,2±0,05
ЭЧТ, мм/ч	Олдин	15,7±1,09	21,6±0,75*	<0,05	12,5±1,07
	Кейин	11,6±0,33	14,4±0,51	>0,05	11,2±0,53
Зардобдаги темир, ммоль/л	Олдин	7,94±0,21***	6,14±1,12***	>0,05	25,8±4,81
	Кейин	22,9±2,8^^	16,1±2,12*^	<0,05	24,7±3,72
Ферритин, мкг/л	Олдин	85,9±8,5***	167,5±8,54	<0,001	289,5±11,6
	Кейин	318,4±5,46^^^	259,6±6,5^	>0,05	286,6±10,9
Трансферрин, г/л	Олдин	5,2±1,21	6,9±2,28	>0,05	4,1±1,8
	Кейин	3,1±0,14	4,4±0,3	>0,05	3,9±0,10
Трансферрин сатурацияси, %	Олдин	10,1±8,2**	11,6±6,8*	>0,05	26,3±8,6
	Кейин	28,6±8,2^	22,4±5,2*^	<0,05	30,3±6,9
Гепсидин, нг/мл	Олдин	10,6±1,3	23,3±3,5***	<0,001	5,7±1,02
	Кейин	7,2±0,05	19,2±0,06**	<0,001	2,7±0,03

Изох: \* - фарқлар назорат гуруҳи кўрсаткичларга нисбатан аҳамиятли (\* - P <0,05, \*\* - P <0,01, \*\*\* - P<0,001)

^ - фарқлар даволашдан олдинги кўрсаткичларга нисбатан аҳамиятли (^ - P<0,05, ^^ - P<0,01, ^^ - P<0,001)

СЮЕ авж олиб бориши ва касаллик оқибатида нохуш асоратларнинг юзага келишида организмдаги тизимли гипоксия жараёни, нейрогуморал маҳаллий тўқима гармонларининг фаоллашиши яллиғланиш олди цитокинларини экспрессиясини рағбатлантиради. Цитокинлар экспрессияси кучайиши СЮЕ ФС ошиб бориши ва оғирлик даражаси билан хамоханг бўлиб, бизнинг кузатувимизда бўлган беморларнинг ҳар иккала гуруҳида ҳам СЮЕ ФС ошиб борган сари цитокинлар миқдори ошганлиги аниқланди (№2 жадвал).

## 2-жадвал

### Даволашдан кейинги кузатувдаги беморлар қон зардобидаги яллиғланиш олди цитокинларини динамикаси

Кўрсаткичлар	Даволаш даврлари	А гуруҳ		Назорат гуруҳи	
		СЮЕ ФС II, n=12	СЮЕ ФС III, n=28	СЮЕ ФС II, n=16	СЮЕ ФС III, n=24
ИЛ-1	Олдин	17,9±2,1	20,8±1,3	16,4±0,72	18,6±1,93
	Кейин	9,6±1,2 <sup>^^</sup>	10,8±1,23 <sup>^^^</sup>	7,4±1,3 <sup>^^</sup>	8,7±0,92 <sup>^^^</sup>
ИЛ-6	Олдин	20,4±1,8	22,6±1,3*	17,2±1,78	18,9±1,3
	Кейин	10,3±0,98 <sup>^^^</sup>	12,2±1,43 <sup>^^^</sup>	7,7±1,43 <sup>^^^</sup>	8,6±1,2 <sup>^^^</sup>
α-ЎНО	Олдин	19,6±0,62	21,8±1,64*	15,9±0,72	17,4±1,93
	Кейин	9,2±1,33 <sup>^^^</sup>	11,4±1,67 <sup>^^</sup>	6,8±2,1 <sup>^^^</sup>	8,2±2,3 <sup>^^</sup>
		Б гуруҳ		Назорат гуруҳи	
ИЛ-1	Олдин	18,2±0,72	21,1±1,93*	16,4±0,72	18,6±1,93
	Кейин	16,2±1,12 <sup>***</sup>	18,3±1,21 <sup>***</sup>	7,4±1,3 <sup>^^</sup>	8,7±0,92 <sup>^^^</sup>
ИЛ-6	Олдин	26,6±1,7 <sup>**</sup>	29,7±1,3 <sup>***</sup>	17,2±1,78	18,9±1,3
	Кейин	19,7±0,98 <sup>***^</sup>	22,8±1,32 <sup>***</sup>	7,7±1,43 <sup>^^^</sup>	8,6±1,2 <sup>^^^</sup>
α-ЎНО	Олдин	20,2±0,72*	24,7±1,93 <sup>**</sup>	15,9±0,72	17,4±1,93
	Кейин	15,6±1,42 <sup>***^</sup>	19,3±0,89 <sup>***^</sup>	6,8±2,1 <sup>^^^</sup>	8,2±2,3 <sup>^^</sup>

Изоҳ: \* - фарқлар назорат гуруҳи кўрсаткичларга нисбатан аҳамиятли (\* - P < 0,05, \*\* - P < 0,01, \*\*\* - P < 0,001), ^ - фарқлар даволашдан олдинги кўрсаткичларга нисбатан аҳамиятли (^ - P < 0,05, ^^ - P < 0,01, ^^ - P < 0,001).

Текширув натижалари шуни кўрсатадики, тадқиқотимизни назорат гуруҳини ташкил этган СЮЕ камқонликсиз кечган беморларнинг II-III ФСларида қон зардобидаги ИЛ-1 миқдори мос равишда 16,4±0,72–18,6±1,93 нг/мл ни, ИЛ-6 миқдори эса мос равишда 17,2±1,78–18,9±1,3 нг/мл, альфа ЎНО миқдори мос равишда 15,9±0,72–17,4±1,93 нг/мл ни ташкил этди. I А гуруҳдаги ТТК мавжуд беморларда интерлейкин-1 – 9,1–11,8%, интерлейкин-6 – 18,6–19,5 %, α-ЎНО эса 23,2–25,0 % га ошиши кузатилди, I Б гуруҳдаги СКК мавжуд




беморларда эса интерлейкин-1 – 10,9–13,4%, интерлейкин-6 – 54,6–57,1%,  $\alpha$ -ЎНО 27,1–41,0% га ошганлиги аниқланди.


Хулоса қилганда, СЮЕ авж олиб бориши ва касаллик оқибатида ноҳуш асоратлар юзага келишида организмдаги тизимли гипоксия жараёни, нейрогуморал маҳаллий тўқима гормонларининг фаоллашиши яллиғланиш олди цитокинлари экспрессиясини рағбатлантиради. Цитокинлар экспрессиясини кучайиши СЮЕнинг функционал синфларини ошиб бориши ва оғирлик даражаси билан ҳамоҳанг бўлиб, бизнинг тадқиқотимизга жалб қилинган беморларнинг ҳар иккала асосий ва назорат гуруҳида ҳам СЮЕ функционал синфлари ошиб борган сари цитокинлар миқдорини меъерий кўрсаткичларга нисбатан ошганлиги, айниқса, камқонлик мавжуд гуруҳларда камқонликсиз кечган гуруҳларга нисбатан ишонарли ошиши қайт этилди.

Тадқиқотимиз натижаларига кўра кузатувдаги беморларда статистик аҳамиятли даражада миқдорий кўрсаткичи юқори бўлган яллиғланиш олди цитокинларини сурункали касалликлар камқонлиги патогенезида юқори аҳамиятли гепсидин кўрсаткичлари билан корреляцион боғлиқлиги ўрганилганда, сурункали касалликлар камқонлиги билан кечган СЮЕ мавжуд беморларда (I Б гуруҳ) гепсидинни ИЛ-1 билан кучсиз мусбат ( $r=0,24$   $P<0,05$ ), ИЛ-6 билан кучли мусбат ( $r=0,52$ ,  $P<0,05$ ), альфа ЎНО билан ўртача мусбат ( $r=0,37$ ,  $P<0,05$ ) боғлиқлиги аниқланди.

Юрак ичи гемодинамикаси эхокардиография ёрдамида баҳоланди ва СЮЕ мавжуд беморлар функционал ҳолатига камқонликнинг таъсири ўрганилди (4-, 5- расмлар).



**4-расм.** Даволашдан олдин СЮЕ II ва III ФС ларида камқонликни ЧҚ ҚОФ, СДЎ ҳамда ССЎ таъсирини солиштирма таҳлили



5-расм. Даволашдан олдин СЮЕ II ва III ФС ларида камқонликни СДХ ҳамда ССХларга таъсирини солиштирма таҳлили.

Шундай қилиб, кузатувимиздаги I-A гуруҳ II ФС беморларида ЧҚ СДЎ ўртача миқдори  $5,54 \pm 0,07$  см. дан  $5,34 \pm 0,06$  см. га, ЧҚ ССЎ -  $4,16 \pm 0,08$  см. дан,  $4,08 \pm 0,04$  см. га, ЧҚ ҚОФ  $47,2 \pm 1,21\%$  дан,  $51,8 \pm 1,04\%$  га, СДХ  $158,1 \pm 2,12$  мл. дан  $154,1 \pm 2,21$  мл. га, ССХ  $83,4 \pm 1,15$  мл. дан  $70,2 \pm 2,12$  мл. га ижобий ўзгарди. I-A гуруҳнинг III ФС беморларида ушбу кўрсаткичлар мос равишда ЧҚ СДЎ ўртача миқдори  $5,91 \pm 0,14$  см. дан  $5,62 \pm 0,11$  см. га, ЧҚ ССЎ -  $4,79 \pm 0,12$  см. дан  $4,53 \pm 0,09$  см. га, ЧҚ ҚОФ  $44,7 \pm 2,35\%$  дан  $49,9 \pm 1,22\%$  га, СДХ  $190,5 \pm 4,05$  мл. дан  $181,9 \pm 3,12$  мл. га, ССХ  $105,3 \pm 3,19$  мл. дан  $90,6 \pm 3,08$  мл. га ижобий ўзгаришлар кузатилди.

